



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI

*O‘zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko‘chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “ 17 ” *сентябрь*

№ 76

Yangibozor tumani

Янгибозор туманидаги “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Хасанова Ҳилолага Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, Бошқирших қишлоғининг “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Хасанова Ҳилоланинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси хулосасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан,

Қарор қиламан:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Хасанова Ҳилолага Чўболончи қишлоғининг туман ҳокими захира ер ҳисобидаги 340-,342-контурларида жойлашган умумий ер майдони 19,3 гектар, шундан суғориладиган экин ери 18,6 гектар, ариқ ва зовурлар 0,4 гектар, йўллар 0,3 гектардан иборат ер участкаси боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.
3. Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Хасанова Ҳилолага ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Ҳ.Хасанова ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят

хокимнинг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида майдонларнинг далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг “Навбахор” маҳалласидан яшовчи фуқаро Хасанова Ҳилолага ажратилаётган 18,6 гектар экин ер майдонидан Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив бозор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман хоқимининг биринчи ўринбосари (Ж.Халметов)га фуқаро Хасанова Ҳилола ва Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишида амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Хасанова Ҳилолага:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман хоқими



Handwritten signature of U. Kurbanov

У.Курбанов